



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат
техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1.Гулчехра Азизовна Агзамова XVI-XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ХОРАЗМДА КЕЧГАН УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИДАН.....	4
2.Илёсхон Мухиддинович Бурхонов «ЗАКОТ» - ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА АДОЛАТ ВА МУТАНОСИБЛИК ОМИЛИ.....	11
3.Зумрад Касимова УЙЎУР АДАБИЁТИ ТАРИХИДА АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	16
4.Муродулла Мирзаев ЎЗБЕКИСТОН АСОСИЙ СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ.....	21
5.Сайёра Турғуновна Мирсоатова, Раънохон Ўринбой қизи Аҳмадалиева ЎЗБЕКИСТОНДА МЕЗОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ.....	30
6.Акмалжон Марозиқов ФАРҶОНА ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ –ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	37
7.Shoirra Sayfiyevna Ochilova O'RTA ASR UYG'ONISH DAVRI SHARQ ALLOMALARINING INSONPARVARLIK - GUMANISTIK G'OYALARI.....	43
8.Нилуфар Ахматовна Жумаева, Феруза Холмаматовна Утаева ЗИРОАТЧИЛИК ҲОМИЙСИ - БОБОДЕҲҚОН БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР (Бухоро воҳаси мисолида).....	49
9.Dilrabo Shomurodovna Murodova BUXORO VILOYAT DAVLAT ARXIVI MANBALARINING O'ZBEKISTON TARIXINI YORITISHDAGI ANAMIYATI.....	56
10.Жасур Жамшитжонович Якобжанов МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТЧИЛИГИ МАСАЛАСИ.....	61
11.Гулсина Исмойиловна Ҳошимова ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ.....	68
12.Kurbanov Golib Negmatovich SO'NGGI O'RTA ASRLAR BUXORO AN'ANALARI VA MAROSIMI.....	74

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Илёсхон Мухиддинович Бурхонов,
Фарғона политехника институти
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси

«ЗАКОТ» - ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА АДОЛАТ ВА МУТАНОСИБЛИК ОМИЛИ

For citation: Piyoskhon Muhiddinovich Burkhanov. "ZAKAT" - THE FACTOR OF JUSTICE AND RELATIONS IN THE LIFE OF THE SOCIETIES. Look to the past. 2020, vol. 5, issue 3, pp.11-15



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-5-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек халқи тарихий ва диний анъаналарга кўра закот беришлари ва унинг тартиби, қимларга берилиши ва қандай ҳолатларда бериши ва закотни солиқ турига айланиб кетиши ҳақида мулоҳазалар юритилган. Исломи дини билан ўзбек этно маданиятига кириб келган закот тушунчаси жамиятда эзгулик, меҳр-оқибат сингари фазилатлар учун хизмат қилди.

Калит сўзлар: этник, одат, анъана, дин, закот, солиқ, давлат, масжид, эҳсон, ҳалол.

Илёсхон Мухиддинович Бурхонов,
Преподаватель кафедры истории Узбекистана
Ферганского политехнического института

"ЗАКЯТ" - ФАКТОР ПРАВОСУДИЯ И СООТНОШЕНИЯ В ЖИЗНИ ОБЩЕСТВА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются исторические и религиозные традиции узбекского народа на примере закят и то, как он дается и кем он дается, и как он становится налогом. Концепция закята, которая была включена в узбекскую этнокультурную религию вместе с исламом, служила в обществе такими добродетелями, как доброта и сострадание.

Ключевые слова: этничность, обычай, традиция, религия, закят, налог, государство, мечеть, пожертвование, халяль.

Piyoskhon Muhiddinovich Burkhanov,
Lecturer, Department of History of Uzbekistan Fergana Polytechnic Institute

"ZAKAT" - THE FACTOR OF JUSTICE AND RELATIONS IN THE LIFE OF THE SOCIETIES

ABSTRACT

The article deals with the historical and religious traditions of the Uzbek people and the manner in which it is given and by whom it is given and how it becomes a tax. The concept of zakat, which has been incorporated into the Uzbek ethnocultural religion with Islam, has served in society for virtues such as kindness and compassion.

Index Terms: ethnicity, custom, tradition, religion, zakat, tax, state, mosque, donation, halal.

1. Долзарблиги:

Ўрта Осиё худудига араблар кириб келиши билан ўзбек халқи урф одатлари ва маданиятига катта ўзгаришлар ҳам кириб келди. Инсонлар ҳаётида муҳим воқеалар содир бўлганида асрлар ўтиб бу воқеалар негизида пайдо бўлган урфлар одатга анъанага айланиб қолади. Ислом динига оид бўлган ва ўзбек халқи исломни қабул қилганидан сўнг қадрланиб, анъанавий амал қилиниб келинган закот ва уни бериш тартиби юртимизда VII-асрда шаклланиб бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги бу мавзунини ўрганиш долзарб ва қизиқарли эканлигини англатади. Жамиятнинг соціо-қоидаларига кўра фақат мусулмонларга хос бўлган закот кейинчалик давлат солиқларига айлантирилганида савдодан олинган закот номусулмон савдогарларидан ҳам ундирилган.

2. Методлар ва ўрганилиш даражаси:

Закот солиғини ўрганилиш методи Бурхониддан ал-Марғилонийнинг “Ҳидоя” асарига таянган ҳолда яратилган бўлиб, илмий тадқиқот сифатида З.Хатамованинг мақолаларида учратамиз.[1.274-277.] Хусусан тадқиқотчи закот солиғини Қўқон хонлиги солиқ тизими тарихига боғлаб таҳлил қилган ва хонликнинг солиқ тизимига оид маълумотларни М. Жувонмардиев, Р. Набиев, А. Ўринбоев, Ҳ. Бобобеков, Ш.Махмудов каби олимларнинг тадқиқотларида қисман ёритиб ўтилганлигини таъкидлаб ўтган. Мақолада тадқиқотчи З.Хатамованинг Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган ҳужжатларни форс тилидан таржима қилиб муомалага киритган хулосаларидан ҳам кенг фойдаланилди. [1.274.]

3. Тадқиқот натижалари:

Закот сўзининг луғавий маъноси орттирмоқ, кўпайтирмоқ, покламоқ, поклик ва баракот деган маънони англатади ва закот берганнинг моли кўпаяди ва покланади. Закот – исломнинг учинчи устуниси – жамиятда адолат тамойилини ўрнатишга ундовчи ва жамият ҳаётининг жуда кўплаб жиҳатларига таъсир этувчи муҳим ижтимоий – иқтисодий ҳодисадир. У мол – мулкнинг муайян қисмини эҳтиёжмандларга тўлаб бериш орқали амалга оширилади. Закотнинг фарз эканлигини инкор қилиш диндан чиқиб қолишга сабаб бўлиши мумкин.

Закот ислом аҳкомларининг асосий рукни бўлиб, Ўрта Осиёга ислом дини билан кириб келган ва шаръий қонунларда алоҳида бобларда кўрсатилиб, чорва ҳайвонларидан ва барча турдаги савдо молларидан 1/40 миқдорда олинган. Шунингдек, закотдан фойдаланишнинг маълум тартиб - қоидалари бўлиб, закотдан йиғилган маблағнинг қандай сарф этилиши Қуръони Каримнинг «Тавба» сураси 70 - оятида кўрсатилиб, бу маблағ фақат 7 тоифадаги кишиларга берилиши таъкидланади. Закотни давлат хазинасига кўшиш ёки бу маблағдан умумий аҳоли фойдаланиши учун масжидлар, йўл ва кўприклар қуриш мумкин эмаслиги ушбу муқаддас китобда кўрсатиб берилади.[2.83.]

Мусулмонларга жамиятда адолат ва мутаносибликни таъминлаш мақсадида закот бериш фарз қилинган. Закот – бу муҳтожга берилиши керак бўлган мажбурий энг кам миқдордир. Закот – бу мулкдорларнинг йўқсиллардан қарзидир. Қуръонда “закот” сўзи “намоз” сўзи сингари 27 марта тилга олинади. Бу унинг нақадар аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Намоз – қалб ва тана билан ибодат қилиш бўлса, закот – Яратганга ўз мол – мулки билан итоат қилишдир. Жамиятда бой ва камбағалларни бир бирларига меҳр муҳаббат кўзи билан қарашларига, тинчлик ва хотиржам яшашга ундовчи закот бора - бора давлат қонунларида закот қатъий тартиб билан аҳолидан йиғила бошланди. Закотни давлат

хазинасига топшириш мумкин, чунки давлат хазинасидан аҳолини ижтимоий ҳимояси учун тиббиёт-шифохоналари, хаммомлар, мадраса ва масжид каби бинолар кўриб халқ хизматиغا топширилган.

Гарчи ислом қонунчилигида закотни ундириш ва ундан қандай фойдаланиш кўрсатиб берилса-да, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Қўқон ҳукмдорлари бу борада ўз манфаатларини кўзлаб сиёсат юргизганлари маълум бўлади. Ҳ. Бобобековнинг фикрича, «..ҳар бир мусулмон ўз ихтиёри билан художўй ишлар учун берадиган закот, аввал у мажбурий солиққа айланди, кейинчалик эса мусулмон хазинасида ҳукмдорининг фойда келтирадиган даромадига айланиб қолган эди». Бу ҳолатни муаррих Мулла Олим Маҳдум тасдиқлаб, «Раиядан олинган солиғ пуллар ҳеч бир вақт кўча кўприқдек халқ манфаати учун сарф бўлинмас эрди», - деб ачиниб ёзади.[2.76.]

Савдодан олинadиган солиқ муносабатларида закот солиғи ўзига хос ўрин тутган. Ҳар бир савдогар закотчига қанча миқдорда маҳсулотни давлатга олиб қиряпти ёки четга олиб кетаётгани ҳақида закотчига маълумот берган. Маҳсулотнинг умумий баҳосининг 2.5 % ҳисобида закот солиғи миқдори белгиланган. Бундан ташқари ҳар бир пуд маҳсулот ҳисобидан бир тангадан закотчига патта ёзиб бериши учун пул берилган. Савдогар паттани олганидан кейин бир йил давомида хонлик ҳудудида закот тўламасдан савдо ишларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган. Агар йил давомида савдогарнинг даромади йил бошида кўрсатилган суммадан ортса, яна 2.5% солиқ тўлаши белгиланган. Агар чет элдан келаётган савдо қарвони бўлса, у шаҳарга қирмай туриб закотчига хабар берган ва умумий маҳсулотининг 2.5%ни ҳисоблатиб солиқ тўлаган. Ҳ.Бобобековнинг [5.26.] маълумотида кўра, чет элдан келаётган ёки кетаётган савдо қарвонлари икки марта-давлатидан чиқиб кетишда ва бошқа бир давлатга қирришда солиқ тўлаган. Агар савдо қарвони савдо қилмасдан бир давлат ҳудудидан шунчаки кесиб ўтиб кетаётган бўлса ҳам закот тўлаши лозим эди.[3.26.] Қўқон хонлигида яҳудий ва христиан савдогарларига тегишли савдо қарвонларидан 5 % миқдорда закот ундирилган.

Шаърият қонунига кўра закот бой одам ўз молининг қирқдан бир қисмини камбағал, мисикин кишига бир йилда бир беришига закот бериш деб аталади. Ислом динининг беш асоси мавжуд бўлиб, закот бериш фарзлардан биридир. Закот беришни хоҳламаган мусулмон киши ислом динидан чиққан ҳисобланади. Закот бермаган фақир кишининг ҳаққини еган ҳисобланади, закот берган вақтда эса молини ҳаромдан поклаган ва ҳар хил бало-қазолардан муҳофаза қилган бўлади. Ҳеч бир бой закот бераётганини сўзлашга ҳақли эмас.[4.1.100.] У фақирни танқид қилиб, ўзининг ҳунармандлиги, уддабуронлиги, оқиллигини мактаб, эришган нарсаларим фақат ўзимга оид бўлиши керак, дея олмайди. Чунки жамият ва миллат фақир, бой, турли ҳолатларда яшовчилардан иборатдир. Закот – исломнинг учинчи устун – жамиятда адолат тамойилини ўрнатишга ундовчи ва жамият ҳаётининг жуда кўплаб жиҳатларига таъсир этувчи муҳим ижтимоий – иқтисодий ҳодисадир. У мол – мулкининг муайян қисмини эҳтиёжмандларга тўлаб бериш орқали амалга оширилади. Закотнинг фарз эканлигини инкор қилиш диндан чиқиб қолишга сабаб бўлиши мумкин. Закотнинг берувчи ва олувчига фойдалари мавжуд бўлиб, у фуқароларнинг диний эътиқодлари ва таълимотларида муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, фақирнинг ҳаққини бераркан, молини бировнинг ҳақи аралашиб ҳаром бўлишидан қутқаради ва ҳалол қилади;

-молининг хайрли ва баракотли бўлишига, кўпайишига сабаб бўлади; фақирларга харид имконини бергани учун бу кўпайиш айни чоқда моддий жиҳатдан ҳам ҳақиқатга айланади;

-закот адоватни йўқотиб, меҳрни орттиради;

-илохий неъматларга нисбатан шукрона адо этишга васила бўлади;

-розилик билан берган одам яхши фазилатлар билан хулқланган бўлади;

-мол тўплашга мубталолик ва ҳасислик иллатларини тузатади;

-охиратга имонини кучайтиради. Қуръони каримда закот бермагanning охиратга имон келтирмагани, ишончсизлиги айтилган;

-закот берувчи закот олишга ҳақдор фақирни, йўқсилни, йўловчини, мусофирни, қулни, қарздорни мухтожлик асоратидан қутқариб, унга инсонлик шаъни, миннатдорлик, шукроналик туйғуларини бахш этади;

-кин, нафрат, адоват, душманлик туйғуларини даф этади;

-жамиятда тинчлик-хотиржамлик бўлишини таъмин этади, кўнгилларни Исломга мойил қилади, мусулмонларга ёмон ниятда бўлганларни бу йўлдан қайтаради, олдини олади. Муносабатларни яхшилаб, жамиятда бирдамлик ва ҳамкорликни пайдо қилади. [4.2.101.]

Ислом дини қоидаларига кўра закот тушунчаси эзгули яратиш мақсадини илгари сурган бўлсада кейинчалик закотни подшолар хазина ихтиёрига топшира бошлаганлар ва бу ижтимоий ҳаётда салбий кўринишларини келтириб чиқарди. Масалан, ўзбек давлатчилигида муҳим ўрин тутган Кўкон хонлигида солиқларнинг ортиши мамлакатнинг сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди, закот солиғини ундириш тартиб қоидалари ўзгарганлиги сабабли халқ норозичилиги кучайиб хатто сиёсий тўнтаришни амалга ошириш ҳаракатлари ҳам кўзга ташланди.[3.1. 226]

Закотнинг турлари - олтин ва кумушнинг закоти, пулнинг закоти, тижорат молларининг закоти, уй ҳайвонларининг закоти, еридан чиққан маҳсулот закоти (ушр), садақаи фитр (нафс закотидир, вожибдир)лардир.

Қуйида келтирилган аҳоли қатламига закотни бериш зарур ҳисобланади:

-Фақирларга, яъни, моли нисоб миқдорига етмаганларга;

-Мискинларга, яъни, ҳеч нарсага йўқсилларга;

-Омилларга, яъни, закот йиғувчиларга (ҳозир бундай маъмурият йўк);

-Озод бўлиш учун хўжайини билан шартнома тузган қулларга;

-Муаллифай қулубга, яъни, кўнгилларни Исломга мойил қилинувчиларга;

-Қарздорларга, яъни, молдан қарзи кўпроқларга;

-Аллоҳ йўлидагиларга, яъни, сафарда, урушда, илм талабида юрганларга;

-Йўлда қолганларга мамлакатларига етиб олгулик миқдорда закот берилади;[4.2.102]

(Тавба, 60-оятдан).

Закот Қуръонда қайд этилган саккиз тур кишиларга берилишини ай тиб ўтилди. Ота-она, бобо-момо, фарзандлар бу турдан бўлса-да, уларга берилмайди. Чунки киши фақир ота-онасини боқиши вожиб. Болаларини ҳам боқишига мукаллаф. Закот булардан ташқари Қуръонда уқдирилган саккиз тоифанинг бирига қирадиган қариндошга, қўшнига ва бошқа мусулмонларга берилади. Ота-она, бобо-буви ўғил-қиз, набираларга, эр хотинига, хотин эрига закот бермайди. Бойларга ҳам закот берилмайди.

Фитр Рамазон ойининг сўнгига етишган ва ҳожати аслиясидан бошқа нисоб миқдорича молга эга бўлган мусулмонларга вожибдир. У инсон нафсининг закоти ҳисобланади. Садақаи фитр учун закот сингари мол ошиқча бўлиши, бир йил ўтиши ёки мол эгасининг оқил ва балоғатга етиши шарт эмас. Бўлиғ болалари ва хотини учун фитр садақасини бериш шарт эмас. Фитр Рамазон ҳайити куни тонг отганида вожиб ва савобли бўлади. Фақирлар эҳтиёжи учун байрамгача, яъни олдинроқ бериб қўйилса ҳам хато ҳисобланмайди. Фитр закот бериладиган кишиларга берилади, закот берилмайдиган тоифаларга фитр ҳам берилмайди.

Закот ҳақида муҳим масалалар.

Закот, фитр, садақа, назр ва шу кабилар берилётганида қуйидаги тартибга риоя этиш ва керакли кишиларга биринчи навбат бериш керак.

1) Фақир ака-ука ва опа-сингилларга;

2) Буларнинг болаларига;

3) Сўнгра амаки ва аммаларга;

4) Сўнгра тоға ва холаларга;

5) Уларнинг болаларига;

6) Сўнгра она томондан узоқ қариндошларга;

7) Ундан кейин яқин ва узоқ қўшниларга, қасбдошларга навбат берилади.

Турмушга чиқмаган қизнинг сепи учун у қанчалик кўп бўлмасин, закот берилмайди. Чунки у тижорат учун олинмаган. Хотин маҳрини қўлга олмагунигача закоти белгиланмайди. Чунки бу маҳр мол бўлмаган бир нарсанинг бадали ҳисобланади. Агар хотин маҳр олиб, маҳр нисоб миқдорида бўлса, бир йил ўтса, унга закот берилади. Агар хотиннинг ёнида маҳрдан ташқари пул бўлса, бу пулга маҳрнинг бир қисмини қўшса, бир йилдан сўнг закот олинади.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, закот фарзлигининг шартларига эътибор берилса унда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилингани кўринади. Масалан, закот берадиган киши мусулмон, озод, оқил ва балоғатга етган бўлиши шарт. Қарзидан бошқа нисоб миқдорида моли бўлиши шартлиги, кўлидаги мол ҳукман ва ҳақиқатан ортиқча бўлиши шартлиги, закот берилаётган мол қўлда бир йил турган бўлиши шартлиги, закот берилажак мол берганнинг мулки бўлиши шартлиги ҳам закот тўловчи учун енгиллик имкониятлари ҳисобланади.

Закот жамиятда доимо адолат ва меҳр кўриниши бўлиб хизмат қилганлиги юқорида таҳлил этилган закот бериш тартиби ва қоидаларида ҳам кўриниб турибди. албатта маълум вақт закотни подшо ёки хукмрон синф манфатларига ҳам бўйсундирилган, лекин бу закотнинг мазмун моҳиятини ўзгаришига сабаб бўлмади. Закот араблар Марказий Осиёни бўйсундирганларидан кейин юртимиз худудида мавжуд бўлган давлатлар бошқаруви ва иқтисодий ҳаётига кириб келиб мўғиллар даври, Амир Темурнинг буюк давлати, Ўрта Осиёда хонликлар ташкил топиши ва бошқаруви даврларида жамиятда ўзининг ривожланган чўққисига чиқди.

Иқтибослар/Сноски/References

[1] Xatamova Zumradxon Nazirjonovna. Expenditure of state funds replenished by taxes in the history of the Kokand khanate. EPRA International journal of Research and Development (IJRD). Volume: 5. Issue: 3. March 2020. P.- 274-277.

[2] Zumradxon N.Xatamova. The tax system history of Kokand.2019, vol. 1,issue 13, pp. 75-86.

[3] Piyoskhon Burhanov. Influence of the tax system on political life in the administration of the Kokand khanate.2019, vol. 1, issue 19, pp. 21-27.

[4] Аёлларга хос энг зарур фикхий масалалар., I-II., Тошкент, 2014 йил, 148 бет (The most important issues of jurisprudence for women., I-II., Tashkent, 2014, 148 pages.)

[5] Бобобеков Х. Кўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. –Б.125-126. (Bobobekov X. History of Kokand. - Tashkent: Fan, 1996. –P.125-126.)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 5

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000